Мовароуннаҳр мадрасаларида ўқитилган дарслик китоблар рўйхати

05:00 / 19.01.2017 7198

(XVI аср – XX аср бошлари)

Бошланғич таълим мактабхоналарда ўтилган бўлиб, 15 ёшларгача давом қилган. Мактабдорга мактаб вақфи бўлса, йилига 500-1000 тиллодан ҳақ берилган. Агар мактаб масжид қошида бўлса, масжид вақфидан мактаб муаллимига ҳам ҳақ ажратилган.

Мактабда қуйидаги китоб ва рисолалардан таълим берилган. Баъзи китоблар ёдланган, айримлари эса савод чиқариш учун равон ўқитилган:

"Қоида-и Бағдодий"	
"Муаллими соний"	XX аср бошида қўшилган.
"Устоди аввал"	XX аср бошида қўшилган.
"Ҳафтияк"	
"Қуръони карим"	Агар қориликка ўқитилса, 4-5 йил ке карра ўқиб ўтилиши учун 1-2 йил
"Рисолаи фарзи айн"	Ёд олинган.
"Чаҳор китоб"	Муаллифлари унчалик маълум эм асрларда ҳам мактабларда бу к ўқитилган. Муаллифлари тахми Шарафиддин ал-Бухорий, Қози Азу Жалолиддин Кеший, Фаридудди

"Қиссаи Девонаи Машраб"	
"Девони Хожа Ҳофиз"	Ҳофиз Шерозий
"Девони Бедил"	Абдулқодир Бедил
"Девони Фузулий"	Муҳаммад ал-Фузулий
"Девони Навоий"	Алишер Навоий
"Лисон ат-тайр"	Алишер Навоий
"Мантиқ ат-тайр"	Фаридиддин Аттор. XV асрлард ўқитилган.
"Нисоб ас-сибён"	Абу Наср Фароҳий. Луғат китоби, XV ҳам ўқитилган. Болалар ёд оли
"Махориж ал-ҳуруф. Қавоид ал-Қуръон"	Мирзо Зоҳид. Тажвид манзумаси. Ёд
"Сабот ал-ожизин"	Сўфи Аллоҳёр. Болалар ёд олга
"Маслак ал-муттақин"	Сўфи Аллоҳёр. Болалар ёд олга

Мадраса таълими 15 ёшдан то 45 ёшларгача давом этган. Мударрисга мадраса вақфига қараб, 1000-15000 тилло маош берилган. Фанлар уч хил ном билан аталган: Шаръийя, арабийя ва ҳикамийя. Мударрислар дарсни уч хил китобдан ўтганлар: матн, шарҳ ва ҳошия. Матнлар қисми барча мадрасаларда қатъий равишда таълим берилган. Шарҳлар эса дарслик сифатида мударрисларнинг хоҳишларига қараб, таълим дастурига киритилган. Учинчи қисм дарсликларни, яъни ҳошияларни талабалар ўзлари дарс жараёнида кўриб кетишлари шарт ҳисобланган.

Шундай қилиб, олий мадрасаларнинг энг зўр мударрислари ҳар бир матн китобини асосан 4 шарҳ билан бирга дарс берганликлари учун таълимнинг энг юқори савияда ўтиши "чор-китобий" ўқиш деб аталган. Бу тарзда ўқиб чиққан талабалар ҳамма жойда юксак қадрланган. Дунёга донғи кетган мударрислар эса шарҳлар билан бирга ҳошиялардан ҳам талабаларга дарс айтган. Агар мударрислар матнни шарҳ билан бирга ўқитмаса, фақат матн ўқиётган бўлса, унинг ўрнига мутаорифдан бошқа ўзи хоҳлаган матн китобларни қўшиб ўқитган.

Фанлар бўлимлари бир вақтнинг ўзида шаръий, арабий ва ҳикамийлардан битта-биттадан биргаликда ўқиб борилаверган.

Мадрасалардаги мутаориф дарсликлар асосан 9-12 йилда ўқиб бўлинган. Айримлар мадарасаларда бундан кўп вақтини сарфлаб юраверган.

Талабалар курсдан курсга ўтиши ўқиган китобларига қараб белгиланган. Уларнинг таълим-маошлари (стипендия) уч босқичда, кўп-озлиги эса мадрасанинг вақфномаларига қараб белгиланган. Улар аъло, авсат ва аднога бўлинган.

Сарф ва наҳв

Мирзо Сулаймон ибн Мирзо Анвар ал-Бухорий	"Аввали илм"
Баҳоуддин ал-Омулий	"Бидон" ("Сарф-и ҳавоий")
Абдулқоҳир ибн Абдурраҳмон ал-Журжоний	"Миату авомил"
Ҳусайн Воиз ал-Кошифий	"Манзума-и авомил"
Шамсиддин Муҳаммад ибн Абу-л-Қосим ал-Муъиззий	"ал-Муъиззий"
Иброҳим ибн Абдулваҳҳоб аз-Занжоний Саъдуддин ат-Тафтазоний	"Тасриф аз-Занжоний" Шарҳ: "Шарҳ ас-саъдиййа"

Жоруллоҳ Маҳмуд аз-Замахшарий	"Ҳаракот" ва "Масъалат ал-ҳур
Абу-л-Ҳасан аз-Заририй ал-Куҳандизий	"Китоб аз-Заририй"
Жоруллоҳ Маҳмуд аз-Замахшарий	"Китоб ал-Унмузаж"
Усмон ибн Умар ал-маъруф Ибн ал-Ҳожиб	"Шофия фи-с-сарф" <u>Шарҳлар:</u> "Чорпардий" "Низомий" "Вофия" "Шарҳ ар-Разий"
Усмон ибн Умар ал-маъруф Ибн ал-Ҳожиб	"Кофия фи-н-наҳв" <u>Шарҳлар:</u> "Фавоид аз-зиёийя" "ал-Ҳиндийя" "Асоимиддин" "ар-Разийя"

Абдурраҳмон ал-Жомий	"Шарҳ Мулло Жомий" <u>Ҳошиялар:</u> "Абдулҳаким" "Исматуллоҳ" "Охунди шайх" "Мавлоно Обид" "Шамсиддин" "Мавлоно Содиқ" "Абдулғофур"

Одоб ва ахлоқ ҳамда тасаввуф

"Каримо"	Шайх Саъдий Шерозий
"Гулистон"	Шайх Саъдий Шерозий
"Бўстон"	Шайх Саъдий Шерозий
"Таълим ал-мутааллим"	Бурҳониддин аз-Зарнужий
"Мунаббиҳот"	Ибн ал-Ҳажар ал-Асқалони
"Мурод ал-орифин"	Сўфи Аллоҳёр
"Минҳож ал-обидин"	Имом ал-Ғаззолий

Фиқҳ ва усул ал-фиқҳ

"Фиқҳ ал-Кайдоний"	Лутфуллоҳ ибн Умар ан-Насафий ал-
"Заллат ал-қорий"	Абу Ҳафс Умар ан-Насафий
"Мухтасар ал-Виқоя" <u>Шарҳлар:</u> "Жомеъ ар-румуз" "Абдулали ал-Биржандий" "Абу-л-Макорим" "Али ал-Қори" "Мулло Фахриддин" "Гўримирий"	Убайдуллоҳ ибн Масъуд ибн Тож аш ал-Бухорий
"Виқоят ар-ривоя"	Маҳмуд ибн Садр аш-шариъа ал-Б
"Шарҳ ал-Виқоя" <u>Ҳошиялар:</u> "Чалабий" "Ҳошият ат-Тарширҳ" "Умдат ар-риоя"	Убайдуллоҳ ибн Масъуд ибн Тож аш ал-Бухорий

"ал-Ҳидоя" <u>Шарҳлар:</u> "ал-Иноя" "ал-Кифоя" "ан-Ниҳоя" "Фатҳ ал-қадир"	Бурҳониддин ал-Марғинони
"Усул аш-Шоший" (ал-Хамсин")	Низомиддин аш-Шоший
"Манор ал-анвор фи усул ал-фиқҳ"	Имом Ҳофизиддин ан-Насаф
"Нур ал-анвор" (кейинчалик қўшилган)	Мулло Жеван ас-Сиддиқий
"ат-Танқиҳ фий усул ал-фиқҳ"	Убайдуллоҳ ибн Масъуд ибн Тож аш ал-Бухорий
"ат-Тавзиҳ фи-т-Танқиҳ" <u>Ҳошиялар:</u> "ат-Талвиҳ" "Чалабий" "Абдулҳаким" "Шарҳ аш-шарҳ"	Убайдуллоҳ ибн Масъуд ибн Тож аш ал-Бухорий
"ал-Фароиз ас-сирожийя" "Мир Саййид Шариф" (мударрис ўқитади)	Сирожиддин ас-Сижованди

Қасидалар

"Қасида-и Бадъ ал-Амолий"	Сирожиддин ал-Ўший
"Қасидат ар-Рубубийя"	Ҳазрати Али (к.в.)
"Қасида-и Ғавсийя"	Ҳазрат Абдулқодир ал-Жийло
"Қасида-и Бурда"	Муҳаммад ибн Саид ал-Бусир
"Қасида-и Бонат суод"	Каъб ибн Зуҳайр ал-Музаний ас-Саҳ

Ақоид

"ал-Фиқҳ ал-акбар"	Имом Аъзам Абу Ҳанифа (р.ж
"ал-Ақоид ан-насафийя"	Абу Ҳафс Умар ан-Насафий
"ал-Ақоид ал-Азудийя"	Азудиддин Абдурраҳмон ибн Аҳмад
"Шарҳ ал-Фиқҳ ал-акбар"	Абу-л-Мунтаҳо Аҳмад ибн Муҳамм Мағнисовий

"Шарҳ Ақоид ан-насафийя" Ҳошиялар: "Мулло Аҳмад" "Рамазон Афанди" "Мулло Илёс" "Мавлоно Хаёлий" Талабалар кўрадилар: "Мулло Қосим" "Қаро Камол" "Қул Аҳмад" "Чалабий" "Охунди Шайх" "Абдурраҳмон" "Исматуллоҳ"	Саъдуддин ат-Тафтазоний
"Шарҳ ал-Ақоид ал-азудийя" ("Мулло Жалол") "Хонақоҳий" (Мударрис ўқитган) Талабалар кўрадилар: "Татиммат ал-ғавоший" "Мавлоно Шариф" "Абдулҳаким" "Такмилат ал-ҳавоший"	Жалолиддин ад-Даввоний

Тафсир ва ҳадис

"Чиҳил ҳадис" ва таржима-и манзума	Абдурраҳмон Жомий ва Алишер Н
"Мишкот ал-масобеҳ" <u>Шарҳлар:</u> "Мирқот ал-мафотиҳ" Абдулҳақ ад-Деҳлавий ("Ашъат ал-ламаот", форсий шарҳ) "Мир Саййид Шариф" "ат-Тийбий"	Валийуддин Муҳаммад Хатиб ат-Т
"Саҳиҳ-и ал-Бухорий"	Имом ал-муҳаддисин Муҳаммад ибн ал-Бухорий
"Тафсир ал-Жалолайн"	Жалолиддин ал-Маҳбубий ва Жалол Суютий
"Тафсир ал-Мадорик"	Ҳофизиддин ан-Насафий
"Тафсир ал-Кашшоф"	Маҳмуд аз-Замахшарий
"Тафсир ал-Қозий" <u>Ҳошиялар:</u> "Шайхзода" "ат-Тафтазоний" "Ҳусомиддин" "Абдулҳаким"	Носириддин ибн Умар ал-Байзо

Луғат ва тарихлар

"Сиҳҳоҳ ал-Жавҳарий" <u>Талабалар кўрадилар:</u> "Қомус ал-луғот" "Тож ал-масодир ал-Байҳақий" "Суроҳ фи-л-луғот" "Ғиёс ал-луғот" "Мунтахаб ал-луғот" "ал-Ахтарий"	Ал-Жавҳарий
"Тарихи Ибн Халликон" <u>Талабалар кўрадилар:</u> "Тарихи Искандарийя" "Тараихи Жаҳонкушой" "Равзат ас-сафо"	Абу-л-Аббос Шамсиддин Аҳмад ибн

Мушкилот

"Муқаддимат ат-Тажвид" <u>Шарҳлар:</u> "ар-Румий" "Али ал-қори" "ал-Мисрий" "Ҳавоший ал-муфҳима"	Шамсиддин ал-Жазарий
"Ҳирз ал-амоний" ("Шотибий") <u>Шарҳлар:</u> "ал-Жаъбарий" "Абу Шома" "Қасталоний" "Али ал-қори" <u>Талабалар кўрадилар:</u> "Имодиддин"	Абу Муҳаммад ал-Қосим ибн Фий Шотибий
"Талхис ал-мифтоҳ"	Жалолиддин Муҳаммад ибн Абдурр Қазвиний
"ал-Ийсоғучи" <u>Талабалар кўрадилар:</u> "Шарҳ ан-Нўъмон" "Мулло Содиқ"	Афифуддин ал-Абҳарий
"Шамсийя фи-л-ҳисоб"	Ҳасан ибн Муҳаммад Низом ан-Ни
"Одоб ал-мунозара"	Иззуддин ибн Аҳмад ал-Коти

"Рисолат ал-Истиора" ("Фароид ал-фавоид")	Абу-л-Қосим ас-Самарқанди
"Рисолат ал-Андалусийя" ("Илми қофия ва аруз")	Асируддин Абу Ҳайён ал-Андал
"Рисола-и исбот ал-вожиб"	Жалолиддин ад-Даввоний
"Мухтасар ал-маоний" Ҳошиялар: "Мир Саййид Шариф" "Халхолий" "Хитойий" "Уқуд ад-дурар" "Шарҳ ал-абёт" "Чалабий" "ад-Дусуқий"	Саъдуддин ат-Тафтазоний
"Таҳзиб ал-мантиқ ва-л-калом" Шарҳлар: "Шарҳ ат-Таҳзиб ад-Даввоний" "Охунд Юсуф Қаробоғий" "Қози Муборак" "Хон улум" Талабалар кўрадилар: "Охунди Шайх" "Мирзо Зоҳид" "Хон мулло"	Саъдуддин ат-Тафтазоний

"Суллам ал-улум" <u>Шарҳлар:</u> "Қози Муборак" "Ферузшоҳий" "Мир Садриддин"	Муҳиббуллоҳ ал-Баҳорий
"Ҳикмат ал-айн" <u>Шарҳлар:</u> "Қутбиддин" "Мир Саййид Шариф" "Мирзожон Шерозий" "Охунди Юсуф" <u>Талабалар кўрадилар:</u> "Мулло Аҳмад" "Абдулбоқий"	Абу-л-Ҳасан Али ибн Муҳаммад ал-К Қазвиний
"ал-Қонун фи-т-тибб"	Абу Али ибн Сино